



**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SOG'LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVIKA INSTITUT REKTORINING**

BUYRUG'I

20 21 yil " 03 " 06

342 -son

Toshkent sh.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йилнинг 3 май кундаги 204-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 30 апрель кундаги "Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6218-сонли Фармонининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йилнинг 3 май кундаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига оид қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 204-сонли буйруғининг ижросини таъминлаш мақсадида

Б У Ю Р А М А Н :

1. Барча проректорлар, бошқарма, бўлимлар ва марказларнинг раҳбарлари, факультетларнинг деканлари ҳамда кафедраларнинг мудирларига:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 30 апрель кундаги "Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6218-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йилнинг 3 май кундаги "Олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига оид қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 204-сонли буйруғи раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йилнинг 30 апрель кундаги "Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-6218-сонли Фармони билан қуйидагилар тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

а) 1-илова – Ўзбекистон Республикаси Президентининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим ҳужжатлари рўйхати (рўйхат 380 банддан иборат бўлиб, унинг 35, 245, 331, 337, 350, 357, 366, 370-бандлари бевосита олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига алоқадор);

б) 2-илова – Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар (илова 102 банддан иборат бўлиб, унинг 2, 11, 42, 43, 78-бандлари бевосита олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига алоқадор);

в) 3-илова – 2021-2023 йилларда давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш буйича "Йўл харитаси" (11-позицияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ижрочи сифатида белгиланган);

г) 4-илова – Давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларини тизимлаштириш схемаси;

д) 5-илова – 2022-2025 йилларда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари буйича тизимлаштириш дастури (39-банд олий, ўрта махсус ва профессионал таълим тизимига алоқадор);

е) 6-илова – Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонунчилик тармоқлари буйича тизимлаштириш схемаси;

ж) 7-илова – Юқори юридик кучга эга бўлган қонунчилик ҳужжати шаклига ўтказиш орқали айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бекор қилиш буйича чора-тадбирлар режаси (6-позицияда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги масъул ижрочи сифатида белгиланган);

з) 8-илова – Айрим соҳалардаги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни унификация қилиш буйича чора-тадбирлар режаси.

2. Ахборот технологиялари маркази бошлиғи Б Қосимовга:

2.1. Мазкур буйруқ нусхаси институт расмий веб-сайтининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар саҳифасига жойлаштирилсин.

3. Ушбу буйруқ ижросининг таъминланиши устидан назорат қилиш вазифасини ўз зиммамда қолдираман.

Асос: Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йилнинг 3 май кундаги 204-сонли буйруғи.

Ректор

К.С.Рашид

ASLIGA TO'G'RI



[Handwritten signature]